



UDC: 633.181/2

ШОЛИ КОЛЛЕКЦИЯСИ НАВ ВА НАМУНАЛАРИНИНГ ПАСТ ҲАРОРАТДА УНИБ ЧИҚИШ КҮРСАТКИЧИНИ БАҲОЛАШ

Ахтамов Миржалол Ахтам ўғли,
“Шоли селекцияси” лабораторияси
1-боскич таянч докторанти,
e-mail: miramax90501@gmail.com,
ORCID: 0000-0003-4731-1191;

Эргашев Мұхаммаджон Араббоевич,
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, илмий котиб,
ORCID: 0000-0002-5252-1938;

Қаландаров Баҳтиёр Искандарович,
қишлоқ хўжалиги бўйича фалсафа фанлари доктори,
илмий ишлар бўйича директор ўринбосари,
ORCID: 0000-0002-2482-3437;

Хайитов Мақсадбек Йўлдошбоевич,
қишлоқ хўжалиги бўйича фалсафа фанлари доктори,
“Шоли селекцияси” лабораторияси мудири,
ORCID: 0000-0002-9429-2395

Шоличнолик илмий тадқиқот институти

Аннотация. Мақолада Шоличнолик илмий тадқиқот институти тасарруфидаги шоли коллекцияси нав ва намуналари ургуларининг паст ҳарорат (15°C)да униб чиқиши күрсаткичлари таҳлил қилинган. Натижаларга кўра, назорат сифатида олинган маҳаллий Искандар шоли нави бошқа назорат ва коллекция нав ва намуналарига нисбатан паст ҳароратда кучли униб чиқиши күрсаткичини намойши этди. Ушибу назорат навида 3-инкубация куни (3-ИК)да униб чиқиши күрсаткичи ўртача 17% бўлган бўлса, 6-ИК га келиб бу күрсаткич 92% ни ташкил этди. 6-ИК да Мустақиллик, Лазурний ва Тарона навларида униб чиқиши күрсаткичи мос равишда 67%, 48% ва 30% бўлганлиги аниқланиб, 8 ИК га келиб 60-90% оралигига бўлганлиги кузатилди. Жами 230 дона коллекция нав ва намуналари ичида 90% дан ортиқ униб чиқиши күрсаткичига эга навлар 7-инкубация кунида 57 та бўлса, 8-кунга келиб 93 тани ташкил этди.

Калит сўзлар: паст ҳарорат, шоли коллекцияси, нав ва намуна, униб чиқиши күрсаткичи, инкубация даври, генотип.

ОЦЕНКА ВСХОЖЕСТИ КОЛЛЕКЦИОННЫХ СОРТОВ И ОБРАЗЦОВ РИСА ПРИ НИЗКОЙ ТЕМПЕРАТУРЕ

Ахтамов Миржалол Ахтам угли,
докторант (1-ст.) лаборатории селекции риса;



Эргашев Мухаммаджон Араббоевич,
кандидат сельскохозяйственных наук, ученый секретарь;

Каландаров Бахтиёр Искандарович,
доктор философии по сельскохозяйственным наукам (PhD),
заместитель директора по науке;

Хайитов Максадбек Юлдошбоевич,
доктор философии по сельскохозяйственным наукам (PhD),
заведующий лабораторией селекции риса

Научно-исследовательский институт рисоводства

Аннотация. В статье проведен анализ всхожести семян коллекционных сортов и образцов риса при низких температурах (15 °C). Согласно полученным результатам, местный сорт риса Исандер, взятый в качестве контрольного образца, показал высокую всхожесть при низких температурах по сравнению с другими и контрольными коллекционными сортами и образцами. У этого контрольного сорта скорость прорастания через 3 дня после инкубации составляла в среднем 17%, а через 6 дней после инкубации – 92%. Через 6 дней после инкубации всхожесть сортов риса Мустакиллик, Лазурный и Тарона соста-вила 67, 48 и 30% соответственно, а через 8 дней после инкубации – 60-90%. Из 230 коллекционных сортов и образцов со всхожестью более 90% на 7-й день инкубации было 57, а на 8-й день – 93.

Ключевые слова: низкая температура, коллекция риса, сорт и образец, всхожесть семян, инкубационный период, генотип.

EVALUATION OF GERMINATION RATE OF RICE COLLECTION SAMPLES AND VARIETIES AT LOW TEMPERATURES

Akhtamov Mirzhalol Akhtam ugli,
1st stage PhD student of Rice breeding laboratory;

Ergashev Muhammadjon Arabboevich,
PhD, Scientific secretary;

Qalandarov Bakhtiyor Iskandarovich,
PhD agricultural sciences, Deputy Director;

Khayitov Maksadbek Yuldashevich
PhD, Head of Rice breeding laboratory

Rice Research Institute

Abstract. The article examines and analyzes germination of seeds of varieties and samples of rice collection of the Rice Research Institute, at low temperatures (15 °C). According to the findings, the local variety of rice - 'Iskandar' taken as a test pattern, showed a higher germination rate at a low temperature than other tested and collection varieties. In this test pattern, the germination rate reached 17% within 3 days after incubation (DAI), while in 6 DAI it achieved 92%. Within 6 days after incubation, the germination rates in Mustaqillik, Lazurniy, and Tarona varieties were



found to be 67%, 48%, and 30%, respectively, whereas within 8 DAI these achieved the range of 60-90%. Out of a total of 230 collection varieties and samples with germination rates of above 90%, there were 57% on the 7th incubation day and 93% on the 8th incubation day.

Keywords: low temperature, rice collection, variety and sample, germination rate, incubation period, genotype.

Кириш

Сўнгги йилларда ер юзи аҳолиси сони тобора ортиб бориши, глобал иқлим ўзгаришлари туфайли ҳарорат кўтарилиб, айrim ҳудудларда сув тақчиллиги кузатилиши ва ер захирасининг турли даражада шўрланиши натижасида қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ва сифатли ҳосил етишириш тобора қийинлашиб бормокда [1]. Бу эса келгусида аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш масаласининг янада муракаблашувидан далолат беради. БМТ ФАО эксперtlарининг тахминларига кўра, ер шари аҳолиси сони 2050 йилга келиб 10 миллиардга етади. Агарда бугунги истеъмол даражаси сақланиб қоладиган бўлса, озиқ-овқат ресурсларини ишлаб чиқаришни яна камида 50% ошириш давр талабига айланади, гарчи БМТ маълумотларига кўра, ер шаридаги аллақачон 500 миллион одам оч қолиб, 2 миллиардан ортиги тўйиб овқат емаётган бўлса-да [2; 3]. Ҳақиқатан ҳам, аҳоли сонининг ортиши тўйиб овқатланиш муаммонини келтириб чиқаради. Бу муаммони ечишда гуруч маҳсулоти олинадиган шоли екини катта роль ўйнайди.

Шоли екини ер юзидаги энг қадимги экинлардан бири бўлиб, у турли агро-иқлим шароитларида турли хил майдонларда етиширилади. Шолидан олинадиган гуруч дунё аҳолисининг учдан бир қисми учун асосий озука манбаи ҳисобланади. Бу маҳсулот углеводларнинг энг бой манбаи бўлганлиги ва инсон рационига оқсил таркибий қисмини қўшгани учун инсон саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди. Гуруч таркибида 6,8% оқсил, 78,2% углеводлар, 0,5% ёғ ва 0,6% минераллар мавжуд [4].

Шоли иссиқсевар экин бўлиб, уруғлар 10-12 °C ҳароратда униб чиқади, майсалар эса 14-16 °C да ўса бошлайди. Майсаларнинг

меъёрида ўсиши учун мақбул ҳарорат 22-25 °C ни ташкил қиласди. Шоли ўсимлиги униб чиқиш, майсалаш, гуллаш ва дон тўлишиш фазаларида паст ҳарорат таъсирида шикастланишга жуда мойил бўлади. Бу экин, асосан, баҳорнинг апрель-май ойларида экиласди. Чунки бу ойларда кечаси ёки эрта тонгда ҳарорат кескин пасаяди. Бундай ҳолларда паст ҳароратнинг ўсимликларга таъсири, биринчи навбатда, шоли ўсимлигининг униб чиқиш фазасига тўғри келади. Бу омил таъсирида навларнинг дала унувчанлиги камаяди, вегетатив босқичда ўсимликлар секин ўсади, ўсимликларнинг нобуд бўлиши кўпаяди, ўшиш даври узаяди, репродуктив босқичда рўвак стериллиги ортиб, ҳосилдорлик кутилгандек бўлмайди [5-7].

Мамлакатимизда сўнгги йилларда ҳукуматимиз томонидан шолициликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрь куни ўтказилган кенгайтирилган видеоселектор йиғилишида, 2021 йил 2 февралдаги ПҚ-4973-сонли “Шоли етиширишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги “Шолициликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 986-сонли қарорида шолининг экспортбоп, юқори ҳосилдор, шўр ва касалликларга чидамли, дон сифати юқори бўлган навлари ва дурагайларини яратиш, уларнинг бирламчи уруғчилигини ташкил этиш, шунингдек, ресурстежамкор етишириш агротехникасини ишлаб чиқиш вазифалари белгилаб берилди.

Кўйилган муаммони ҳал этишнинг илмий аҳамияти республикада мавжуд маҳаллий ва хорижий шоли генотипларининг униб чиқиш фазасида паст ҳароратга чи-



дамлилигини баҳолаш асносида қимматлихұжалик белгилари юқори бўлган шоли навва линияларини танлаб олиш ҳамда амалий селекция ишида улардан фойдаланиш ҳисобланади [8].

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шоли ўсимлигининг униб чиқиш фазасидаги паст ҳароратга чидамли, юқори ҳосил берадиган эртапишар шоли навларини яратиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориши ва юқоридаги хусусиятларга эга янги шоли навларини яратиш ҳозирги вақтда шоли наслчилиги ва селекциясида долзарбdir.


Тадқиқот ишининг мақсади Шоличилик илмий-тадқиқот институти генофондида мавжуд бўлган шоли генотипларининг униб чиқиш фазасида паст ҳароратга чидамлилигини баҳолаш ҳамда мураккаб стресс омилларга чидамли қимматли-

хўжалик белгиларига эга шоли навларини яратишда бошланғич манбаларни танлаб олиш ва улардан селекцияда фойдаланишdir.

Материал ва методлар

Шоличилик илмий-тадқиқот институтининг тажриба хўжалиги Тошкент вилоятининг жануби-шарқий қисми, Чирчиқ воҳаси, Тошкент шаҳридан 15 км узоқликда, Чирчиқ дарёсининг чап қирғоғида жойлашган. Географик ўрни жиҳатидан институт координаталари Гринвич шкаласида 69, 18 шарқий узунлик ва $41^{\circ}20'$ шимолий кенглиқда чегараланди.

Тажриба Шоличилик илмий-тадқиқот институтининг “Шоли селекцияси” лабораториясининг шоли коллекциясида мавжуд 400 тадан ортиқ нав ва намуналаридан фойдаланган ҳолда амалга оширилди (1-расм) [9-11].



1-расм. Лабораторияда мавжуд шоли коллекцияси нав ва намуналарининг ўсув даврлари бўйича тақсимоти

Тадқиқот ўтказилии услублари

Лаборатория шароитида шоли уруғларининг паст ҳароратда униб чиқиши бўйича тажрибалар олиб боришида Чунгнам Миллий университети Ўсимликлар молекуляр наслчилиги ва генетикаси лабораторияси ҳамда ушбу стресс омили устида илмий тадқиқотлар олиб борган олимлар Lee T., Fujina K. ва бошқалар томонидан қўлланилган услубла-

дан фойдаланилади [12-17].


Бунда лаборатория шароитида ҳаво совиткич ёрдамида $15-16^{\circ}\text{C}$ га келтирилган маҳсус изоляцияланган хонада шоли уруғлари 50 донадан Петри идишларига 2 та қайтариқда экилиб, 8 кун давомида текширилди. Униб чиқиши кўрсаткичи аниқланиб, баҳоланди. Униб чиқиши кўрсаткичи қўйидаги формула ёрдамида ҳисобланди [5]:



$$\text{Берилган күн учун униб чиқиши күрсаткичи} (\%) =$$

$$= \frac{\text{Шу кунда униб чиқкан донлар сони}}{\text{Барча донлар сони}} \times 100$$

Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижаларига кўра, дастлаб паст ҳароратда униб чиқишида назорат навлар сифатида олинган маҳаллий Искандар, Мустақиллик, Лазурний ва Тарона шоли навлари ўзаро солиштириб ўрганилди (2-расм).





2-расм. Паст ҳароратда (15 °C) униб чиқишини баҳолашда назорат навларидан олинган натижаларни ўзаро таққослаш. Хато сатрлар (error bars) стандарт оғишини ифодалайди

Бунда дастлаб З-инкубация куни (3-ИК)дан бошлаб назорат Искандар ва Мустақиллик шоли навларининг уруғлари униб чиқишини бошлади. Шу кунда Искандар навида 17% ва Мустақиллик навида 2% уруғ унувчанлиги кузатилди. Лазурний ва Тарона навлари уруғлари 4-инкубация куни (4-ИК)дан бошлаб униб чиқишини бошлади. Уларда мос равишида 18 ва 3% уруғлар униб чиқди. Униб чиқишида ги жадаллик бўйича назорат навлари ичida Искандар нави юқори униб чиқиш кўрсаткичини 4-ИКдан бошлаб қайд этганлиги, униб чиқиш кўрсаткичи 8-инкубация куни 98% бўлганлиги кузатилди. Мустақиллик ва Лазурний навларининг униб чиқиш кўрсаткичига 5-ИКгача бўлган муддатда катта фарқлар кузатилмаган бўлса-да, 6-, 7- ва 8-ИКларида Мустақиллик нави уруғликлари юқори унумдорликни кўрсатди ҳамда иккала навда бу кўрсаткич 8-ИКга келиб мос

равишида 88 ва 76% бўлганлиги аниқланди. Назорат навлари орасида энг паст униб чиқиши кўрсаткичи Тарона навида кузатилиб, уруғлар униб чиқиши 4-ИКда 3% билан бошлаган бўлса, 8-ИКга келиб ўртacha 68% униш кўрсаткичи қайд этилди.

Паст ҳароратда униб чиқишини баҳолаш таҳлиллари Шолицилик ИТИнинг коллекцияда мавжуд 400 дан ортиқ нав ва намуналарда олиб борилди.



3-расм. (A) 7- ва (B) 8- ИК*ларда Шолицилик ИТИ шоли коллекцияси нав ва намуналари орасида паст ҳароратда (15 °C) униб чиқиш кўрсаткичининг частота тақсимоти

*ИК – инкубация куни.



Ушбу шоли навларини лаборатория таҳлилларига тайёрлашда ҳар бир навга мансуб уруғларнинг таҳлилларга яроқлилиги ва етарли миқдорда эканлигига эътибор қаратилди. Илмий изланишлар учун яхши пишиб етилган оч жигарранг тусли соғлом уруғлар танлаб олинди. Шундан келиб чиқиб, шоли коллекциясидан жами бўлиб 230 та нав ва намуналар танлаб олинди ҳамда лаборатория тадқиқотлари олиб борилди.

Тадқиқотлар натижаларига кўра, танлаб олинган коллекция генотипларидан кам сонли нав ва намуналар назорат Искандар нави сингари 3-инкубация қуни (ИК)дан бошлаб униб чиқишни бошлади. Шунингдек, бутун инкубация даври давомида коллекция шоли нав ва намуналари орасида униб чиқиш кўрсаткичи турлича бўлганлиги аниқланди. Эътиборли жиҳати шундаки, 7-ИКга келиб тажриба линиялари орасида уруғларнинг униб чиқиш тезлиги сезиларли даражада ошди (За-расм). Хусусан, 7-ИКда униб чиқиш кўрсаткичи 50% гача бўлган нав ва намуналар сони 60 тани ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 50% дан 100% гача бўлган нав ва намуналар 170 дона ҳамда айнан унган уруғлар миқдори 90% дан юқори бўлган нав ва намуналар 57 донани ташкил этганлиги кузатилди (За-расм).

8-ИКга келиб жами 198 та нав ва намуналарнинг паст ҳароратда униб чиқиш кўрсаткичи 50-100% оралиғида бўлиб, шундан 93 та нав ва намуналар 90% дан юқори

униб чиқиш кўрсаткичини намойиш этди (Зб-расм).

Паст ҳароратда (15°C) униб чиқиш кўрсаткичини баҳолаш бўйича олиб борилган дастлабки тадқиқот натижаларига кўра, энг яхши натижалар кўрсатган нав ва намуналар саралаб олинниб, ўзаро ва қимматли хўжалик белгиларига эга маҳаллий навлар билан турли комбинациялар бўйича чатиштирилди.

Хулосалар

Тадқиқот натижаларидан кўриниб турибдики, Шолицилик илмий тадқиқот институтидаги мавжуд шоли коллекцияси нав ва намуналари орасида паст ҳароратда жадал униб чиқиб, ривожлана оладиган генотиплар сони кўп эканлиги аниқланди. Хусусан, юқоридаги маълумотлардан келиб чиқиб, 7- ва 8- инкубация кунларида 90% дан ортиқ униб чиқиш кўрсаткичлари мос равишда 57 ва 93 та шоли нав ва намуналарида аниқланганлиги фикримиз исботидир. Бундай кўрсаткич шолицилик соҳаси ривожланган давлатларда олиб борилган илмий тадқиқотларда ҳам аниқланиб, турли селекция йўллари билан паст ҳароратга чидамли шоли навлари яратилган. Ўйлаймизки, ушбу амалга оширган дастлабки илмий тадқиқотларимиз натижалари юртимизнинг турли ҳудудларида паст ҳарорат шароитида эркин ўсиб ривожланадиган юқори ҳосилдор ва бошқа қимматли-хўжалик белгилари бўйича маҳаллий навлардан устунроқ бўлган янги шоли навларини яратиш ишларида фойдали манба сифатида хизмат қиласади.

REFERENCES

1. The Food and Agriculture Organization (FAO). Available at: <http://www.fao.org/>.
2. Milovanovic V., Smutka L. Asian countries in the global rice market. Acta Univ Agric Silvic Mendelianae Brun, 2017, no. 65, pp. 679-688.
3. Wikipedia, the free encyclopedia that anyone can edit. Available at: <http://www.wikipedia.com/>.
4. Rahimov G.N. va boshq. O'zbekistonda sholi yetishtirish bo'yicha uslubiy ko'rsatma [Guidelines for rice cultivation in Uzbekistan]. Tashkent, Mehnat Publ., 1998.



5. Lee J., Kwon S.W. Analysis of quantitative trait loci associated with seed germination and coleoptile length under low-temperature condition. *Journal of crop science and biotechnology*, 2015, no. 18 (4), pp. 273-278.
6. Li L., Chen H., Mao D. Pyramiding of rapid germination loci from *Oryza Sativa* cultivar ‘Xieqingzao B’ and cold tolerance loci from Dongxiang wild rice to increase climate resilience of cultivated rice. *Mol Breeding*, 2019, no. 39, p. 85.
7. Mao D., Yu L., Chen D., Li L., Zhu Y., Xiao Y., Zhang D., Chen C. Multiple cold resistance loci confer the high cold tolerance adaptation of Dongxiang wild rice (*Oryza rufipogon*) to its high-latitude habitat. *Theoretical and Applied Genetics*, 2015, no. 128 (7), pp. 1359-1371.
8. Abdukarimov D.T. *Qishlok xo’jalik ekinlari selektsiyasi va urug’chiligi* [Selection and seed production of agricultural crops]. Tashkent, 2002.
9. Smetanin A.P., Dzyuba V.A., Aprod A.I. *Sholi selektsiyasi, urug’chiligi, urug’shunosligi va urug’lik sifatini nazorat qilish bo’yicha uslublar* [Methods for rice selection, seed science, seed production and seed quality control]. Krasnodar, 1972, pp. 156-158 p.
10. Sholichilik ilmiy tadqiqot instituti Sholi selektsiyasi laboratoriysi ilmiy hisobotlari [Scientific reports of the Rice Breeding Laboratory of the Rice Research Institute]. Tashkent, 2020.
11. Sholi selektsiyasi, urug’chiligi, urug’shunosligi va don sifatlarini aniqlash [Determination of rice selection, seed science, seed production and grain qualities]. All-Russian SHITI Methodology, Krasnodar, 1972.
12. Sholini standart baholash sistemasi [Rice standard rating system]. International Rice Research Institute, 2002, November.
13. Fujino K., Sekiguchi H., Matsuda Y., Sugimoto K., Ono K., Yano M., Molecular identification of a major quantitative trait locus, qLTG3-1, controlling low-temperature germinability in rice. *Proceedings of the National Academy of Sciences of the United States of America*, 2008, no. 105, pp. 12623-12628.
14. Akhtamov M., Adeva Ch., Shim K.Ch., Lee H.S., Kim S.H., Jeon Y.A., Luong N.H., Kang J.W., Lee J.Y., Ahn S.N. Characterization of quantitative trait loci for germination and coleoptile length under low-temperature condition using introgression lines derived from an interspecific cross in rice. *Genes*, 2020, October 15.
15. Nguyen H.N., Park I.K., Yeo S.M., Yun Y.T., Ahn S.N. Mapping quantitative trait loci controlling low-temperature germinability in rice. *Korean Journal of Agricultural Science*, 2012, no. 39, pp. 477-482.
16. Bado S., Forster B.P., Ghanim A.M.A., Cieslak J.J., Berthold G., Luxiang L. Protocols for Pre-Field Screening of Mutants for Salt Tolerance in Rice, Wheat and Barley. International Atomic Energy Agency, 2016.
17. Shim K.C., Kim S.H., Le A.Q., Lee H.S., Adeva C., Jeon Y.A., Luong N.H., Kim W.J., Akhtamov M., Ahn S.N. Fine mapping of a low-temperature germinability QTL qLTG1 using introgression lines derived from *Oryza rufipogon*. *Plant Breed Biotech*, 2019, no. 7 (2), pp. 141-150.

Тақризчи: Ф.Н. Тореев, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, “Қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчилиги” кафедраси доценти.